

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55 (10.864)

Баҳоси эркин нарҳда

## УЙҒОНИШ, НАҒОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намойиш қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутаётган Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда.

Мана шу уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи – Наврўз айёми билан сиз, азизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий меҳрим, ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча мухтарам меҳмонларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, қизгин оққишлар билан уларга ўз ҳурматимизни билдираман.

Биз билан ҳамнафас бўлиб яшаётган узоқ-яқин қўшни мамлакатларнинг халқларига, хорижий ҳамкор ва дўстларимизга эл-юртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йўллаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, энг қадимий, илдизлари олис "Авесто" замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгилиги, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ён-атрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади.

Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шижоат кириши табиийдир.

Бу шуқухли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунини қадрга етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу қутлуг яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказиб одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳисси пайдо бўлади.

Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинлигига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бебор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намойиш этади.

Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иқлим охириги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тартаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Халқимизда "Яхши одам – қўздан, яхши йил – Наврўздан маълум" деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама ҳосиятли, қутлуг қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кесаю ёш – барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказиб бунинг яққол дарағи ва тасдиғи бўлмай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз – Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўқин, ризқимизни бутун қилсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Она замин узра баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик кузатишмоқда: кечагина оппоқ қордан қадибасти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтлар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди.

Кўёш тандирга ўт қалайди. Унинг қайноқ тафтини соғинган майсалар нафис гиламдек кўзни қуватиб, кўкка бўй қўзади. Еру кўзда уйғониш, янгилиниш, яшариш манзаралари намойиш бўлмоқда. Ҳамалнинг олами тугган майин, эркаловчи ифоруларидан қалблар антиқади, шўх-шан учаётган қалдирғочлар саси юракларда ажиб ҳислар уйғотади. Мудроқ туйғулар жўшқинликка жой бўйшади. Тоғу тошдан шарқираб оқиб келаётган оби ҳаёт сой ва ариқларни тўлдирди - аёвда тин олган чархалақлар яна айланмиша тушади...

Борлиқдаги уйғониш, янгилиниш ва яшариш овоз ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўқинлик ва меҳру оқибат рамзи - Наврўзи олам кириб келганидан мўжда беради. Эгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафоат, янгилиниш ва яшариш айёми қалбларга сурур,

олам-олам қувонч ва янгидан-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Фасллар келинчаги - баҳорнинг ана шундай фусункор дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз, жаннатоманд юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун Яратганга шукроналар қиламиз.

20 март, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, спорт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 16.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йирилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қутиб оладилар.

(Давоми 2-бетда)

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг Молия вазирлигида бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идоралар, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

●Сурхондарё вилоятида Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимиз ҳолидан хабар олиниб, меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан Сарийосиё туманида ҳомийлар маблағи ҳисобидан 20 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга соғин сигир тарқатилди. Юздан ортиқ эҳтиёжманд оила фарзандларининг тўйлари ўтказилди. Кексалар, ногиронлар учун байрам дастурхони ёзилиб, совға-салом улашилди. Шунингдек, 20 нафар ногирон болаларга махсус аравачалар топширилди.

●Самарқанд тумани далаларида кўклам юмушлари бошлаб юборилди. Туман машина трактор парки очик акциядорлик жамиятида эса ўрим техникаларини мавсумга тайёрлаш ишлари якунланяпти. Вилоят МТПлар бирлашмаси тасарруфидаги 171 та замонавий комбайнни мавсумга тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Ерни экишга тайёрлаш ишларига 150 дан ортиқ трактор ва бошқа техника воситалари жалб этилган.

●Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги боғдорчилик ва чорвачилиқда донг таратган Зарбанд қишлоғи фарзандлари эндиликда энг сўнги русумдаги компьютерларда замонавий техника сабоқларини ўрганиш имконига эга бўлди. Наврўз байрами арафасида қишлоқдаги 61-мактабга «Самарқандмармар» бирлашмасига қарашли «Зармармар» ва «Зарбанд» мармар конлари жамоалари ҳомийлик ёрдами кўрсатди — 24 та компьютер тўплами келтириб ўрнатилди.

●Ўзбекистон Қуроли Кучлари Марказий музейида умумхалқ байрами — Наврўзга бағишланган янги кўргазма ташкил этилди. Унинг очилишида ҳарбийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

●Олмалиқда мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 125 нафар спортчи иштирок этди.

●«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши биноси залида ёш муаллимларнинг «Қоинот билан рамзий мулоқот» деб номланган бадий асарлари республика кўргазмаси очилди. Тадбир «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги вазокатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

●Маълумки, жорий йилнинг 22 апрелида Францияда Президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий тадбир олдидан мамлакат Конституцион кенгаши раҳбари 12 кишидан иборат президентликка номзодлар рўйхатини эълон қилди. Ҳозирча номзодлар орасида энг кўп овоз олиши мумкин бўлган Николай Саркази етакчилиги қилмоқда.

●Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошланганлигига 4 йил тўлиши муносабати билан қилган чиқишида АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқдан ҳарбийларни олиб чиқиб кетишга ҳали вақт эрта эканлигини таъкидлади.

●Қузбасс областида жойлашган «Южубассугол» компаниясига қарашли, 2002 йилдан иш бошлаган Ульяновск шахтасида метан газининг портлаши оқибатида сўнги хабарларга кўра 75 киши ҳаётдан кўз юмган, 83 нафар шахтёр эса кутқариб олинган. Ҳолоқат рўй берган шахтада кутқарув ишлари давом этмоқда.

●Ростов области, Волго-Донск шаҳрида рейсда ҳаракатланаётган автобуснинг ағдарилиб кетиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 20 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Автохалокатга ноқулай об-ҳаво шароитлари сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда.

●Татаристон Республикасида грипп ва ўткир юқумли касалликлар кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда республикада ушбу касалликларга чалинганлар сони 20 фозидан ортганлиги сабабли 38 та мактаб ва 6 та болалар боғчаси карантин муносабати билан ёпилди.

●БМТнинг Ахборот маркази эълон қилган маълумотларига кўра ҳозирда қурраин замин аҳолисининг фақат 13 фозигина Интернетга боғланиш имкониятига эга экан. Чунинчи, Калифорнияда бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш глобал альяниси учрашувида «Интернетга боғланиш баҳосининг қимматлиги унинг ривожига тўсик бўлмоқда», деган фикр илгари сурилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносабати турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг мантқиқий давомидир.

Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини, ногиронлар моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутди. Юқоридаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун асосан давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Жумладан, Фармонда давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган бюджет маблағларини 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилган. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Айни вақтда моддий ёрдам тўлаш мuddати икки баравар – 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди. 2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фозини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фозига яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун харажатлар умумий бюджетнинг 2 фозидан 5 фозигачасини ташкил этаётган МДҲнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатларидикига қараганда анча юқоридир. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб оилаларнинг 28 фозини ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 ИЮЛДАГИ «САМАРҚАНД ШАХРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЛАБА ЁШЛАРИ УЧУН САМАРҚАНД ШАХРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР УЮШТИРИШ БЕЛГИЛАНГАН.

Ана шу мақсадда Республика Маънавият тарғибот маркази ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда «Ёшлик» талабалар шахарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган «Улугбек академияси ва унинг фан тараққиётидаги ўрни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Маълумки, Мирзо Улугбек Мовароуннахрда, бутун Ўрта Осиёда маданий ривожланиш, дунёвий илмларга қизиқиш куняйдган даврда яшаган, ижод этган. Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини жаҳон миқ-

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига УЛУГБЕК АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

ёсига олиб чиққан сиймолардан. Тадбирни Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Фафуржон Мухамедов кириш сўзи билан очиб, йилгиланларни 22 март — Мирзо Улугбекнинг таваллуди билан кутлаб, «Самарқанд академияси»да ишланган буюк асар — «Зижи жадиди Қурагоний» Шарқ мумтоз астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган, янги далиллар билан бойитилган улкан кашфиёт сифатида бутун дунёга танилгани, бугунги кунгача илмий натижаларнинг аниқлиги ва мукамаллиги билан жаҳон олимларини ҳайратга солиб келадигани ҳақида тўхтади.

Ўзбекистон Миллий университетида Мирзо Улугбек номи-нинг берилиши ҳам бежизга эмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо Улугбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда ташкил этилган «Улугбек академияси» деб тан олинган илмий мактаб ва унда фаолият кўрсатган олимларнинг ас-

трономия, математика ва бошқа фанлардаги кашфиётлари, яратган асарларининг аҳамияти, Мирзо Улугбек даври маънавияти ҳақида гапирди. Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири Ақром Ақмалов Улугбек академияси ва унинг фанлар тараққиётидаги ўрнига тўхталар экан, «Зижи Қурагоний»да эклиптика (фалаккул бурж)нинг осмон экватори (муаддала нахор)га оғиш бурчагининг микдорини бешта сайёранинг Зура (Венера), Зухал (Сатурн), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ва Уторуд (Меркурий)нинг йиллик ҳаракатини; Юлдуз йилнинг узаклигини, 1018 юлдузни ўз ичига олган жадвал ва нихоят аҳоли яшайдиган жойлардан 633 тасининг жуғрофий координаталари тузгани ҳақида атрофлича маълумот берди.

Миллий университетнинг фалсафа факультети 2-босқич магистранти Солиха Аллаёрова эса Мирзо Улугбек замонида Мовароуннахрда дунёвий фанлардан ташқари тарих, адабиёт, фалсафа, санъат, айниқса тасвирий санъат тараққий этганини илмий

далиллар билан ёритиб берди. Шу университетнинг Улугбек номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлган талабалари сўзга чиқиб, буюк бобомизга муносиб авлод бўлишга, уларига билдирилган ишончни оқлашга сўз беришди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зиқир Мухаммаджонов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимовларнинг Мирзо Улугбек ҳаёти ва ижодида бағишланган бадий чиқишлари айниқса тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солди.

Ўтказилган анжуман йўналишларида Самарқанд шаҳрининг қадимий бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида кенг маълумот берди, юртдошларимиз, хусусан, ёш авлоднинг миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилди.

Шухрат НАСИМОВ, Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА РИВОЖЛАШТИРИШ, БЕБАҲО ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. ШУ БОИС, ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ЭТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР НЕГИЗИДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ БИЛАН БИРГА ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАТТИРИШДЕК ЭЗГУ НИЯТ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

Мамлакатимизнинг биринчи универсал миллий энциклопедияси Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан яратилди. Вази-лар Маҳкамасининг 1996 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қомусини нашр этиш тўғрисида»ги қарори асоси-да универсал энциклопедия яратиш борасидаги ишлар бошлаб ю-борилди. Жумладан, турли фан соҳалари бўйича сўзликлар тузилиб, энциклопедиядан ўрин оладиган материалларга қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди. Вази-лар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу ҳужжат асосида «Ўзбекистон миллий энциклопедия-си» давлат илмий нашриёти ташкил этилиб, ўн икки йилдан иборат универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг илмий-назарий ва гоёвий-сиёсий йўналишлари белгилан олинди. Энциклопедия-нинг мазмун-мундарижасини шакллантиришда мамлакатимизда қўлга киритилган ижобий тажрибалар билан бир қаторда хориз энциклопедия яратиш анъаналаридан кенг фойдаланилди.

Дарҳақиқат, миллатимизнинг маънавий камолотидан далолат берувчи ана шундай улкан нашрнинг МДХ давлатлари орасида бирин-

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК БЕЛГИСИ «Ўзбекистон миллий энциклопедия-си» давлат илмий нашриёти ташкил этилганига ўн йил тўлди

чи бўлиб мустақил диёримизда чоп этилиши диққатга сазовордир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистон миллий энциклопедия-сининг» нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эри-шадиган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгисидир.

Миллий қомусимизнинг 2000 йилда нашр этилган биринчи жил-ди Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедия-си» ўқувчиларига табриги билан бошланган. Унинг Ўзбекистон ҳақидаги сўнги — 12-жилди эса истиқлолимизнинг ўн беш йиллик тантаналари арафасида чоп этилди. Ушбу китобдаги мақолалар аликфбо тартибиде эмас, муайян мавзу бўйича жойлаштирилди. Унда бугунги замон руҳидан келиб чиқилган ҳолда ягона тизимга солинган батаф-сил ахборотларга кенг ўрин берилди, мамлакатимизнинг олис тари-хи хронологик тарзда изчил ёритилди.

Миллий энциклопедиямизда мамлакатимиз ҳақидаги материал-лар билан бирга умумбаъшарий аҳамиятга молик маълумотларга ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, турли замон ва халқларга мансуб машҳур шахслар, кашфиётчилар, сайёҳлар, фан-техника, адабиёт ва санъат намояндалари, танкили давлат ва сиёсат арбоблари-тўғриси-даги мақолалар учун кенг жой ажратилди. Уларнинг аксарияти диё-римиз билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилди. Чунки, маънавияти-миз кўзгусида ижтимоий ва табиий фанлар мутаносиблигини сақ-лашга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати ва ютуқлари акс эттирилди. Мил-лий энциклопедиямизнинг яратилишида беш мингдан зиёд муал-лиф — мутахассислар, олимлар, жамоат, маданият, санъат ва давлат арбоблари фаол иштирок этди.

Илмий ва маданий ҳаётимизда қўлга киритилган улкан ютуқла-римиздан бири бўлиши «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни нашр этиш ишлари ниҳоятга етди. Энди нашриёт жамоасининг галдаги режалари қандай? — Нашриёт халқимиз маънавий ҳазинасини бойитиш борасидаги ишларини бундан кейин ҳам изчил давом эттиради, - дейди «Ўзбе-кистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Нуриддин ТУҲЛИЕВ. - Вази-лар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги қаро-рига мувофиқ нашриётимизга Абдулла Қодирий номидаги халқ ме-роси нашриёти ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриё-ти қўшилди. Демак, ташкилотимизнинг дастурий йўналиши ва фа-олияти янада кенгайди. Халқимизнинг бой тарихий, маданий ва ада-бий меросига, миллий қадриятларига оид, тиббиёт, соғлом авлод, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, туризмга доир илмий, илмий-оммабоғ, бадий адабиётлар, ўқув дарсликларини ҳамда ўқув қўлланмалари яратиш борасидаги ишлар давом этади.

Ортирилган тажрибадан келиб чиқиб, турли йўналиш ва фан соҳалари бўйича энциклопедиялар, изоҳли лугатлар, маълумот-номалар ҳамда оммабоғ китоблар нашр этишга киришдик. «Уй-рўзгор энциклопедияси», «Саломатлик энциклопедияси», «Болалар энци-клопедияси», «Хотин-қизлар энциклопедияси», «Ислон энциклопедия-си», «Буюк Ипақ йўли», «Ўзбекистон Республикаси», «Ўзбек тилида иш юритиш», тўрт жилддан иборат «Ҳадис», «Ўзбек термлари изоҳли лугати», «Физикдан изоҳли лугат», «Тилшунослик терминлари изоҳ-ли лугати» каби китоблар шулар жумласидандир.

Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий но-мидаги Тил ва адабиёт институти ходимлари билан ҳамкорликда беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» нашрини яратиш бора-сидаги ишлар давом этмоқда. Унинг икки жилди нашрдан чиқди. 3-5-жилдлари 2007 йил охирига қадар босмадан чиқди. Бундан таш-қари, Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-сахих» («Ишонлари тўплам») ҳадислар тўпламининг тузатишлари ва тўлдирилган кайта нашри бора-сида қизғин иш олиб боришмоқда.

Шунингдек, энциклопедия жилдларининг электрон нусхаларини яратишга киришилди. Интернетда <http://www.encyclopedia.uz/> сайти очилди. Ўқувчилар ундан энциклопедия жилдлари ҳақидаги умумий маълумотларни олиш имконига эга.

Норали ОЧИЛОВ, Ўза мухбири



Дошқозонда қайнар сумалак. Атрофида айланар етти малак.

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР БИР ОИЛА ЭЪТИБОРДА

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» НОҲУКУМАТ ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ «УЛУГБЕК» МАҲАЛЛАСИ АҲОЛИСИНИ ТЎЛИК ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗДИ.

Терапевт, педиатр, гинеколог, эн-докринолог, кўз ва бошқа касаллик-лар шифокорлари маҳаллада истиқо-мат қиладиган 4 мингдан ортиқ киши-нинг саломатлигини текшириб чиқди. Улар асосан хотин-қизлар, болалар ва кекса ёшдаги кишилар саломатлигига алоҳида эътибор қаратди. Даволашни-шга муҳтожларга мутахассислар ўз мас-лаҳатини берди. Бундан ташқари, ма-ҳаллада турли касалликларнинг олди-

ни олиш чоралари ва соғлом турмуш тарзига амал қилишга бағишланган сўхбат ўтказилди. Жамғарма ҳузуридаги мақкур тиб-бий-ижтимоий патронаж хизмати 1996 йилда Ўзбекистон Республика-си Вази-лар Маҳкамасининг тегиш-ли қарорини амалга ошириш доира-сида ташкил этилган эди. Хизмат бригадалари замонавий ташхис қўйиш ва даволаш усуллари билан жиҳозланган автоамбулансларда иш-лайди. Улар мамлакатнинг барча ҳудудлари, биринчи навбатда, олис туманларда истиқомат қиладиган аҳолига хизмат кўрсатади. Ўтган йили республикаимизнинг 2167 кишлоқ ва 2695 маҳалласида яшайдиган қарийб 41 минг оила тиббий қўриқдан ўтқа-зилди. Касаллиги аниқланган бемор-лар шифокорлар кўрсатмалари бўйи-ча амбулансларда туман, вилоят ва пойтахт клиникаларига олиб келин-

ди. Шу билан бирга, тиббий-ижти-моий патронаж бригадалари ёрдам-га муҳтож оилаларга муруват ёрда-мини топишди. Аҳолининг санита-рия-гиғиена бўйича билимини оши-риш ҳам хизмат фаолиятининг бир қисми ҳисобланади. Маҳаллалар ва хотин-қизлар қўми-талари, маҳаллий ҳокимият ва со-ғлиқни сақлаш органлари, ҳудудий скрининг, шунингдек, репродуктив саломатлик марказлари билан яқин ҳамкорлик «Соғлом авлод учун» жа-мғармасининг патронаж фаолияти са-марадорлигига ёрдам бермоқда. Ма-млакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган жорий йилда ушбу хайри ишлар янада фаоллаш-ди, аҳолига кўрсатилмаётган ёрдам оилаларнинг муайян эҳтиёжларига қаратилади.

Анна ИВАНОВА, Ўза мухбири

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «DENTAL SALON UZBEKISTAN» 3-ХАЛҚАРО СТОМАТОЛОГИЯ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ «ZAREXPO» КОМПАНИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, СТОМАТОЛОГЛАР УЮШМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТДИ.

ХАЛҚАРО СТОМАТОЛОГИЯ ФОРУМИ

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда Пре-зидентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохот-лар жараёнида стоматология соҳасини ҳам тараққий эт-тириш, соҳада илгор даволаш техника ва технологияла-ридан оқилона фойдаланишга қаратилган эътибор ўз са-марасини бераётди. Юртимизда ую зоддан кўпроқ сто-матология кабинети ва поликлиника, юзлаб хусусий шифо муассасалари фаолият юритмоқда. Ушбу тиббиёт мас-канларида даволашнинг юрт усуллари ва воситалари-дан, янги тиббиёт техникасидан кенг фойдаланиляпти.

Олимларимиз жаҳон тиббиётида жиддий муаммага ай-ланиб бораётган қариес ва пародонт касалликларининг олдини олиш, даволаш, замонавий воситалардан фой-даланиш самарадорлигини ошириш юзасидан муттасил изланиш олиб бораётди. Стоматологик хизмат кўрсатиш ва бу борадаги илм-фан тараққиётини жадаллаштириш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қар-айтиётган эътибор самараси тўғрисида аҳоли орасида тиш-милик касалликлари асоратида келиб чиқадиган хасталик-лар сезиларли даражада камая бошлагани кузатилмоқда.

Бундай ютуқларга эришишда республикаимизда учин-чи бор ташкил этилаётган «Dental salon Uzbekistan» халқ-ро стоматология форумининг ҳам ўз ўрни бор. Унда дунёнинг ўнга яқин давлатидан қарийб йигирма компа-ния ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Кўргазмалар-да инплантология ва анестезиология, стоматология жи-ҳозлари ва материаллари, юз-жағ жароҳлиги, гигиена ҳамда дезинфекция воситаларига айниқса кенг ўрин аж-ратилди.

Форум доирасида стоматология соҳасида қўлланила-ётган замонавий тиббий техника ва технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Мамлакатимиз олимлари, рес-публикаимизнинг турли ҳудудларидаги стоматология ка-бинетлари ва поликлиникаларда фаолият юритаётган ши-фокорлар, шунингдек Россия, Германия, Швейцариядан келган етакчи мутахассислар иштирокида ўтган ушбу тад-бирда мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқлари, стоматология соҳасини тақомиллаштириш жа-раёнидаги долзарб масалалар юзасидан атрофлича раф-ён-мулоҳаза ва тажриба алмашилди.

Баҳор ХИДИРОВА, Ўза мухбири

Таълим ИЛМИЙ ИЗДАНИШЛАР КЎРИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АСПИРАНТ, ДОКТОРАНТ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАРИ ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда «Педагогика, психология, таълим ва тар-бия», «Тарих, фалсафа, ҳуқуқ, маданият», «Иқтисодиёт, туризм ва сервис», «Ахборот-коммуникация технологи-ялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», «Техника ва технологиялар, энергетика ва энергияни тежаш», «Табиий фанлар», «Кимё ва кимёвий техноло-гиялар», «Кишлоқ ва сув ҳўжалиги. Ер ва сув ресурслари», «Механика. Машинасозлик ва машинашунослик», «Архитектура ва қурилиш», «Пахта тозалаш, тўқимачи-лик, матбаа, енгил ва озиқ-овқат sanoatlari», «Тибби-ёт ва соғлиқни сақлаш. Экология» йўналишлари бўйича шўбаларда иш олиб борилди. Уларда Қорақалпоғис-тон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари аспирант, док-торант ва тадқиқотчиларнинг махсус танловлардан ўтган 280 га яқин илмий ишлари тақдим этилди. Анжуманда катнашганлар, маърузалар ва бошқа илмий чиқишлар-нинг икки қисмдан иборат тўплам ҳолида чоп этилиб тарқатилишига фикр алмашиб, баҳс-мунозаралар, янги йўналишлар белгилашга имкониятини кенгайтиради. Зеро, ушбу тўплам илмий ишлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказди. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг юқори малакали, мустақил ижодий фикрлашига хизмат қилади.

Анжуманнинг якуний мажлисида 12 йўналиш бўйича бир-ринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган 36 нафар «Энг яхши илмий иш» муаллифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вази-рлигининг Фахрий ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Булардан таш-қари илмий-тадқиқот ишлари юқори баҳоланганларнинг яна бир гуруҳи анжуман қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Анжуманда қабул қилинган қарорда фан, таълим ва иш-лаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш мақсадида келгусида ўтказиладиган анжуманларда ишлаб чиқариш кор-хоналарида илмий ишлар олиб бораётган тадқиқотчилар-ни, шунингдек, республикаимиздаги барча ўқув юртларида-ги профессор-ўқитувчиларни ҳам жалб этиш назарда ту-тилган. Ушбу мазмундаги илмий-амалий анжуман ва илмий ишлар танловини хар 3 йилда бир марта ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Иқтисодиёт ПУХТА РЕЖА АСОСИДА

КИЧИК БИЗНЕС ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖИ ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАКИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБОРДОШЛИгини ОШИРИШДА, АСОСИЙСИ, ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИНИ ЯРАТИШДА ҲИССАСИ САЛМОҚЛИДИР.

Ўтган йили фаолиятини бошлаган «Grand lasur» ху-сусий корхонаси жамоаси ҳам аниқ режалар асосида сифатли, хуштаъм қандолат маҳсулотлари ишлаб чи-қармоқда ҳамда миқозларни мамнун қилмоқда. Инсон саломатлиги учун фойдала хисобланган цитрус ҳамда ҳўл мевалардан тайёрланаётган мазали мармелад, ваф-ли, шоколадли печенье-лар ҳозирда хариддорлиги билан эътиборга лойиқ.

—Бозор иқтисодиёти шароитида,—дейди хусусий корхона раҳбари Ирина Аҳмадиева,—тадбиркорлар ўз олдига қўйган аниқ мақсад, пухта иш режаси, ички бозоримизни чуқур ўрганиш ва албатта, доимий изла-ниш, янгиликка интилиш орқалигина кўтилган нати-жаларга эришиши мумкинлигини амалда кўрмоқдаман. Жамоамизда асосий эътибор сифат ва самарадорлик-ка қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда бу ерда 11 турдаги қандолат маҳсу-лотлари ишлаб чиқарилмоқда, жорий йил охиригача корхонанинг 10 нафар ишчи-хизматчилари аниқ ре-жалар асосида уларни 20 хилга етказишни ўз олдила-рига мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун хусусий кор-хона ахли бор имкониятларини ишга солмоқда.

САҒЛАМ КЕНГАЙМОҚДА

ШАЙХОҲТОҲУР ТУМАНИДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. УЛАР ОРАСИДА ИШЧАН, БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР РАҲБАР ДИЛФУЗА СОЛИҲОВА БОШ БЎЛГАН «ДИЛФУЗА» ЎҚУВ-АМАЛИЁТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ҲАМ ЎЗ ЎРНИГА ЭГА.

Боиси, мақкур марказда тажрибали, қўли гул че-варлар, бичқичи ҳамда ишлаб чиқариш усталари бу-юртма асосида турли хилдаги эркак ва аёллар либос-ларини қойилмақом қилиб тиклишни йўлга қўйишган. Кийимларга фасон танлашда миқозларга яқиндан ёрдам бериш эса замонавий дизайнчининг зиммаси-да.

Айтиш керакки, жамоадаги ҳар бир ишчи-хизматчи ўз касбини эъозлайди ва масъулятини чуқур ҳис қила-ди. Ушбу марказ қошида ҳозирда тикучилик иши, элита усулида парда тикиш, бисер иши, дизайнчилар-га билим ҳамда малака бериш каби туртта йўналиш бўйича иш олиб борилади. Жорий йил охиригача мар-каз тадбиркорлари яна икки-уч йўналиш бўйича курс-лар очишни режаланганлар.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тиббиёт НОГИРОНЛАРГА ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ЎЗИНИНГ ШИФОБАҲШ МАСКАНЛАРИДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИгини ТИКЛАШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. БУНДА НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЙНИҚСА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Уюшма ҳузурида ногиронларнинг ижтимоий маса-лалари марказининг ташкил этилишини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу ерда муложалар олиб бориш билан бирга ногиронлар учун турли қулайликлар ҳам яратилмоқда. Ногирон ҳайдовчилар ўқувини ташкил этиш ҳам йўлга қўйилди. Юнусобод туманидаги мудофаага қумакла-шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари машғул-отларни олиб боришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

ЗАМОНАВИЙ МУОЛАЖАРА АСОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИгининг РЕСПУБЛИКА ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЖОЙЛАРДА КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА.

Ириқ бўғимлар ва умуртка поғонаси патологияси бўйича амалга оширилаётган даволаш ишларининг ил-мий асослари ҳам атрофлича ўрганилди. «Умуртка по-ғонасининг ностабил жароҳатларида янги даволаш усу-луби» деб номланган тадқиқот эса энг яхши илмий изланиш деб баҳоланди.

Шунингдек, юшмоқ тўқималарнинг жароҳатланиши, ҳаракатларнинг чегараланиб қолиши билан боғлиқ та-дқиқот ҳам амалиётга таъбиқ этилди.

ХАРИДОРГИР ПРЕПАРАТЛАР

«НОВОТЕК» ЎЗБЕК-ЧЕХ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИгини НИШОНЛАДИ.

Ўзбекистон бозорига сифатли доривор воситалар ва тиббий асбоб-усуналари етказиб бериш билан шуғулланаётган бу корхона тақдим этаётган шприц-лар, жаррохлик қўлқоплари талаб ортиб бормоқда.

Ҳозир «Новотек» Венгриядаги «Гедеон Рихтер», Сло-вениядаги «Зентива», Россиядаги «Красфарма» каби фармачевтик корхоналар билан яқин алоқа ўрнатган.

Корхона томонидан савдога чиқарилаётган препа-ратлар сертификатланиб, ёрлиқлари ўзбек тилида ёзилмоқда. (Ўз мухбиримиз).

ОЗ-ОЗ ЎЎТДИНИБ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Саҳну хато башариат лозимидур. Хато ва саҳнин англаб мутанаббих бўлгон, саодатманд одаммидур.

Хато ва янглиш инсонга хос хусусиятидур. Хато ва янглишларини тушуниб, тегишли хулоса чиқарган бахтли кишидир.

Салоҳ ва фасод тухмин ким эдиким, ўрмади. Яхшилик ва ёмонлик уруғини экиб, унинг мевасини термаган киши борми?

Сафар водийсида мусофир аёғига дарду бало тиканлари кўп сончилур, лекин ҳар тикандин мақсуд гули очилур.

Сафар қилмагон ором фароғатин қайда билсун ва гурбат чекмаган ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум килсун?

Сафар қилмаган киши роҳат-фароғат қадрини қаердан билсин ва бегона юртларда жудолик азобини чекмаган ватандаги осойишта бахтининг афзаллигини нечук маълум килсин?

Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била.

Сўз борки, эшитувчи танига жон кижорур ва сўз борким, айтгучи бошин елга берур.

Сувдин асрағулукдур туфроқ ва балчиғ уйину, ўтдин асрағулукдур яғоч ва қамийш уйину, елдин асрағулукдур бўз уйину, туфроғдин асрағулукдур кўз уйин. Жамий мосиваллоҳдин асрағулукдур кўнгул уйин.

Тупроқ ва балчиқдан қурилган уйни сувдан, ёғоч ва қамийш уйни ўтдан, бўздан ясалган уйни бурондан, кўз уйини тупроқдан, кўнгул уйини эса Худодан бўлак барча нарсадан саклаш керак.

Субҳ уйқусин улки, айлар тарк, Ризку рўзин ўзига тўш кўргай. Улки, гафлатдин этти навми сабуҳ, Бу шарафини магарки туш кўргай.

Тонгги уйқуни тарк этганин ризку рўзи фаровон бўлади. Гафлат босиб, тонгни уйқуда ўтказган кимса бу неъматларни фақат тушида кўради.

Солма кўз—кимса бўлса номахрам, Гарчи нафсинг топар назорада суд, Ки назарким ҳаром—шайтоннинг Новакидур ва лек захролдур.

Агарчи боққанда нафсинг баҳра олса ҳам, номахрамга асло қарама. Ҳаром назар шайтоннинг ўқидир ва лекин захарли.

Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг, Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг, Хушроқки, тавил ўлса ҳаёти эрнинг— Ким, сидқдин-ўқдурур нажоти эрнинг.

Эр кишининг оти тўриликда чиқса, садоқатли эканлиги маълум бўлса, бундай кишининг умри узун бўлгани яхши, чунки бу фазилати унинг нажоткоридир.

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар, Охир киши фолнин хумоюни айлар, Сабринг нечаким кўнгулони махзун айлар, Ҳам сабр сени зафарга макрун айлар.

Сабр гарчи кишининг машаққатини зиёда қилса ҳам, охир-оқибат унинг келажагини бахтли қилади, ҳар қанча кўнгулнинг хуш келмаси ҳам, сени зафарга муассар этади.

Соқий, чун ичқумиздур оқибат жоми ажал, Бода тут андин бурунким, бизни ўлтургай хумор. Эй соқий, қисматимиз охир-оқибат ажал қадахини сипқориш экан, ундан бурун май кўйки, бизни ташналик ўлдирмасин.

Саодат ахли эди ул йигитки, айламади Юзини дуд ила туйна шуъла шаҳват. Шаҳват ўтининг туйну юзини қорайтирмаган йигит бахтлидур.

Сўз била нафъ ўлмаси эл пешаси, Яхши керак кўнгулда андешаси. Гапириб фойда қилмаган киши сукут сақлагани маъқул.

Сифла нишониси шароратдурур, Шуълага биттабъ хароратдурур. Утнинг табиати иссиқлик таратиш бўлгани каби, ярамаснинг касби ёмонлиқдир.

Сўзи ҳисобсиз—ўзи ҳисобсиз. Саҳу ила ёлгон демак эрмас ҳисоб, Билгач ани чунки килур ижтироб.

Янглишиб ёлгон гапириб ёлгончиликка кирмайди, чунки ёлгонлигини билгач, ундан сакланади. Сўздин ўлқунинг танида руҳи пок, Руҳ даги тан аро сўздин ҳалок.

Инсоннинг жисмига жон сўз билан кирган, унинг жисми тарк этишига ҳам сўз сабаб бўлади. Сўзки, жон гулшанида келди насим, Бал кўнгул баҳри ичра дурри ятим.

Сўз жон гулшанининг муаттар насими, ҳатто кўнгул денгизининг бебаҳо гавҳаридир. Сўздурки, нишон берур ўлқука жондин, Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин. Соҳибхиммат муфлислик била паст бўлмас, химматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдат бўлмас.

Химмат эгаси камбағал бўлса-да, обрўси қамаймайди, химматсиз киши ҳазина топгани билан улўларга тенг бўлолмайди. Сажда гадо оллида эрмас карам, Билки, қарамдур анга бермак дирам.

Гадога яхшилик қилай десанг, унга сажда қилма, балки қўлига бирор нарса бер. Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар, Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

Сарбаланди талаби дар чамани даҳр чу сарв, Рости в-арз, ки худро зи гам озода куни. Бу дунё чаманида сарв каби қаддинчи тик тутиб юришни истасанг, тўриликни одат қилки, ҳар хил ғаму ташвишдан ҳалос бўласан.

Сер бар ҳар хўшае даст мазан, Ки шавад мужбиби сак ранжу фасод. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

азиз ҳақишаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳнаткашларини ўйгоним, янгилашим ва ятарим айёли —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

байрами билан эзгу тилакларни билдирган ҳолда муборакбод этади. Ватанимиз равнақи, шахримиз ободлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад ёр бўлсин.



Баҳорий хуш кайфият йил давомида барчамизни асло тарк этмасин.



Ижтимоий ҳимоя йили

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗ ТОПСА

ҲАР БИР ИНСОН КЕКСАЙГАН ЧОҒИДА УМР БЎЙИ ҚИЛГАН МЕҲНАТЛАРИНИНГ РОҲАТИНИ КЎРСАМ ДЕЙДИ.

Фарзандларининг камолини кўриб, маҳалла-қўй, эл-юртнинг ардоғида юрсам деб ният қилади. Ўз навбатида эзгу ниятларини дилига тугиб умр кечирган инсонлар тарбиясини олиб ўлғайган кишилар ота дуосини, рози-ризозлигини олиб яшашга интилади. Қандай ишга қўл урмасин ўзидеги ғайратни, билимини ёши улўлар тажрибаси билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қилади. Минг шукрлар бўлсинки, бундай юксак инсоний тушунчалар юртимизда азал-азалдан қадрланади ва бугунги кунда янада сайқал топиб янгича мазмун касб этмоқда. Кексаларни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг саломатлигини яхшилаш, улўларга ҳар томонлама қўлим бериш давлат сиёсатида кўтарилганлиги ҳар йили қабул қилинаётган дастурларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва улўларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чоратadbирлари дастури тўғрисида» ги ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти ва «Нуроний» жамғармаси Наврўз байрами арафасида пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган «Нуроний» шифохонасида учрашув ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, «Экосан» фахрийлар уюшмаси раиси Мадамин Ҳасанов, Республика «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоевнинг яқин ўтмиш хотиралари, одамлилик, меҳроқибат, миллий қадрият, қаноат ва шукроналик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ййилганларда катта таассурот қолдирди. — Шифохонамиз 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар,

афгон уруши қатнашчилари ҳамда қари-лар даволанади, — деди бош шифокор Муқаддас Ризаева. — «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури зиммамизга жуда катта масъулият юқлади. Шифохонага нафақат пойтахтдан балки, Республика-мизнинг барча вилоятларидан отахон ва онахонлар келиб даволанишмоқда. Уларга терапия, неврология, кардиология, ин-тенсив терапия, физиотерапия, ультра-диагностика, рентген каби бўлимларда-ги энг замонавий тиббий усуналар ёрда-мида малакали хизмат кўрсатилади. Яқин-да эса ташхис учун янги портатив ульт-ратовуш аппарати олинди. Ҳар йили беш минг нафарга яқин бе-мор даволандиган мазкур шифохонага бир неча молия муассасаси, жумладан Тошкент чини заводи хомийлик ёрда-мини кўрсатиб келмоқда. «Экосан» таш-килоти эса шифохонага ва кам таъмин-ланган ҳодимларга тўрт миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» да «Экосан» халқаро ташкилоти уч минг нафар ну-роний ижтимоий ёрдам кўрсатишни ре-жалаштирган.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ РЕЙТИНГИ КЎТАРИЛМОҚДА

АЁЛЛАР ТЕННИС УЮШМАСИ (WTA) ЭНГ КУЧЛИ ТЕННИСЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОНЛИК РАКЕТКА УСТАЛАРИ ҲАМ РЕЙТИНГ ОЧКОЛАРИНИ ОШИРИБ, ЖАДВАЛДА ТОБОРА КЎТАРИЛИБ БОРМОҚДА.

Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ўртасидаги биринчи ракеткачиси Варвара Лепченко янги рейтингда уч поғона кўтарилиб, дунё бўйича 85-ўринда қайд этилди.

Тажрибали теннисчимиз Ирода Тулаганова эса етти поғона юқорилаб, 129-қатордан жой олди.

Шунингдек, рейтингга ҳамюртларимиздан Оқул Омонмуродова, Влада Яқшибарова ҳамда Дилёра Саидхўжаева ҳам киритилган.

Боҳир БЕК

МАРАТ «РУБИН» САҒИДА ТЎП СУРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИГА НОМЗОД ҲУЖУМЧИ МАРАТ БИКМАЕВ ЭНДИЛИКДА РОССИЯ ПРЕМЬЕР ЛИГАСИ ВАКИЛИ ҚОЗОННИНГ «РУБИН» КЛУБИ ТАРКИБИДА ТЎП СУРАДИ.

Гап шундаки, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси сафида 2008 йилда Хитойда ўтадиган ёзги Олимпиада уйинлари-рига саралаш турнирида муваффақиятли тўп сураётган умид-ли ёш ҳужумчимизнинг саъй-ҳаракатлари «Рубин» мураб-бийлари эътиборидан четда қолмади. Қозонликлар Марат-ни «Рубин» таркибига кўришни хоҳлаб қолишди ва у билан шартнома имзолашди. Яман—Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида кечган учрашувдан кейинроқ Марат Қозон шаҳрига йўл олди.

Биз эса кўп миң сонли мухлислар номидан умидли ёш футболчимизга омад тайлаймиз.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 2-ТУРИДА ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ.

«Пахтакор» марказий стадионида «Пахтакор» ва «Трак-тор» жамоалари ўртасида кечган баҳс табиийки, мамлакат чемпионининг устуңлигида ўтди. Аммо, пахтакорчиларга галаба инъом этган ҳар икки гол иккинчи бўлимда рақиб дарвозасига киритилди. Жамоаводиси 80-дақиқада бурқад-дан оширган тўпни Солиев боши билан дарвозага аниқ йўллаган бўлса, орадан икки дақиқа ўтган Жепаров аниқ ҳаракат қилди ва ҳисобни 2:0 га етказди.

Шунингдек, олий лиганин янги вакили «Қурувчи» ҳамда «Локомотив» ўртасида уюштирилган баҳсда мутахассислар мухлислар кутмаган натижа юз берди. Қизиги, дастлабки гол Илхом Мўминжонов томонидан «Қурувчи» жамоаси дарвоза-сига киритилган бўлсада, темирйўлчилар хотиржамликка бе-рилишди, ҳарқалай ушбу ҳисобни сақлаб қолишга олмади. Аксинча мезонлар томонидан уюштирилган шиддатли ҳужум-лар натижасида Равшан Мўқимов бош мураббийлигидаги «Ло-комотив» жамоаси аъзолари ўз дарвозаларидан Саломов, Ман-зукас ва Фафуровлар томонидан киритилган 3 та гол ҳисобига 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Шуниси қувонарлики, олий лига дебютанти «Қурувчи» ҳозирча икки галабани қўлга киритган ҳолда 6 очко жамга-риб пешқадамлар сафида бормоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон—Ўз»—«Нефтчи» —0:1, «Насаф»—«Вобкент»—4:1, «Навбахор—Н»—«Қизилқум—Олтин»—1:2, «Бухоро»—«Машъ-ал»—0:1, «Тўпаланг»—«Металлург»—2:0, «Шўртан»—Самарқ-анд Динамо—4:2.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 3-тур беллашув-лари 31 март куни бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Ёшлар — келажагимиз

КАМАЛАКНИНГ ЕТТИ ЖИЛОСИ

ЎЛКАМИЗГА ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ВА ЯШНАТИШ ФАСЛИ—БАҲОРНИНГ ТАШРИФ БУЮРГАНИГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ БЎЛГАНИ ЙЎҚ. ЛЕКИН ЎТ-ЎЛАН, ГУЛУ ЧЕЧАКНИНГ ХУШБЎЙИДАН КЎНГИЛ САРМАСТ, ҚУШЛАР ЧУГУРИ, ЯЛПИЗЛАРИНГ ЁҚИМИЛИ ИСЛАРИ ЯЙРАБ-ЯШАНА МЕҲНАТ ҚИЛИШГА ИШТИЁҚ УЙФОТАДИ. БАЙРАМЛАР БАЙРАМЛАРГА УЛАНИБ ЭРТАМИЗГА ЯНАДА УМИД, ИШОНЧ ПАЙДО ҚИЛАДИ.

Куни кеча шаҳримиздаги 342-мактабгача тарбия муассасида бўлган киши беихтиёр хур замонамизнинг бахтли болаларига ҳавас қилди, шундай юрда яшаётганига шукро-налар келтирди. Сабаби, бугун ушбу кичкинтойлар маска-нида худди катталардек фикрлаб, ҳам ақлу салоҳияти, ҳам пазандалиғию тоқирлиғи билан танловда қатнашиб барча-ни лол қолдирган қизалоқлар тарбиячилари берган таълим-тарбияни оқладилар.

—Тарбия масканимизда жажжи кичкинтойларимиз учун

барча шарт-шароитлар яратилган,—дейди биз билан суҳ-батда 342-мактабгача тарбия муассасаси раҳбари Дилдора Саидбекова.—Биз болажонларга таълим-тарбия бериш билан бирга, меҳнатга муҳаббат ҳам уйғотамиз. Уларнинг ақл-идроқли, жисмонан соғлом, бакуват, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида ўз касбининг жонқуярлари бўлган тарбиячи педагогларимиз замон талаби, янги техно-логиялар асосида, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури дои-расида иш олиб бормоқдалар.

«Камалакнинг етти жилоси» деб номланган қизлар бел-лашуви нафақат кичкинтойларда, балки катталарда ҳам яхши таассурот қолдирди. Тўртта шарт бўйича беллашган зийрак, ҳозиржавоб, эпчил қизалоқлар барчанин бирдек муҳабба-тини қозонди. Гарчи беллашувда дўстлик қолиб чиққан бўлса-да, савол-жавобларнинг тўлиқлиги, иштирокчиларнинг рус-тилади бийрон сўзлашуви, миттигина уй бекаларининг чак-қон хатти-ҳаракатлари кишида ажиб завқ-шавқ уйғотиб, тар-биячлар меҳнатига раҳматлар айтишга арзугулик бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: 342-мактабгача тарбия муассасасида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Мунажжим башорати

КАТТА ИЖОДИЙ ҲОЯЛАР КУНИ

ши бугун ёлғизликдан дарак берув-чи нохуш аломат ҳисобланади. Чарм ёки ёғочдан ишланган буюмларни то-пили олиш омадингиз юришишига иш-ора.

БУГУН: — кундалик ишлар билан машғул бўлиш, меҳнат ва дамни навбатма-навбат амалга ошириш; — кайфиятни баланд тутиш, кун

воқеаларига қувноқлик кўзи билан қараш;

— ўзингиз учун қулай бўлган ҳар қандай усул билан қалб мувозанати-ни тиклаб олиш;

— қийин вазиятларда дўстларин-гиз, тенгдошларингиз ва яқинларин-гизга ёрдам сўраб мурожаат этиш;

— ўзингиз учун янги эрмак ва ма-шғул топши.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нускада босилди. Қозғоз битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифиланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССАСИ: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМИЛИГИ

Буюртма Г- 206